

Пахтаобод туманида “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Васийлик кенгашининг

БАЁНИ № 4

“28” 04 2022 йил

Пахтаобод тумани

Раислик қилди:

О.Расулов - туман ҳокимининг
1-ўринбосари

Иштирок этганлар:

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни
қўллаб-қувватлаш жамғармаси Васийлик
кенгашининг аъзолари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 250-сон қарорининг ижроси тўғрисида.

2. Ёшларнинг истеъдодларини қўллаб-қувватлаш, беш та муҳим ташаббусни рўёбга чиқариш ва унинг доирасидаги тадбирларни “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириш

(О.Расулов, Д.Саттаров, Р.Рустамов, О.Расулов)

Йиғилишни очик деб эълон қилган туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Расулов Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги 250-сон қарорига асосан тумандаги “Ёшлар дафтари”да турувчи ёшларни ёшлар жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўллаб-қувватлаш тартиби ҳақида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, мазкур қарорга асосан “Ёшлар дафтари”ни юритиш орқали ёшларнинг муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича вақтинчалик тартибга асосан туманда ўтказилган хатлов натижаларига кўра “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни ижтимоий қўллаб қувватлаш мақсадида МФЙлар кесимида “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда Ёшларнинг истеъдодларини

қўллаб-қувватлаш, беш та муҳим ташаббусни рўёбга чиқариш ва унинг доирасидаги тадбирларни “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириш бўйича йиғилганларга маълумот бериб ўтди.

Шундан сўнг сўзга туман ҳокимининг ўринбосари Д.Саттаров сўзга чиқиб ўтган давр ҳисоботи ва янги ҳужжатлар ҳақида гапириб ўтди ва кун тартибидаги масалалар бўйича маълумот берди.

Иловадаги ёшлар жамғармаси орқали турли йўналишларда ёрдам сўраб муурожаат қилган ёшларга Вазирлар Маҳкамасининг 250-сонли қарорига кўра сектор раҳбарлари томонидан ишчи гуруҳ тузилган ҳолда ўрганилгандан сўнг ёрдамлашишга келишиб олинди. Қарорда белгиланган тартиб бўйича сектор раҳбарлари ҳулосасига кўра, бухгалтерга ҳужжатларни тўлиқ қилган ҳолда тақдим этилиб боришлиги ҳамда Васийлик кенгаши аъзолари ҳар ойда бир маротаба йиғилиш ўтказилишини айтиб ўтди.

Кун тартибидаги масала атрофлича муҳокама этилиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги 250-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.


2. “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомга асосан

- Ёшларнинг истъодларини қўллаб-қувватлаш, беш та муҳим ташаббусни рўёбга чиқариш ва унинг доирасидаги тадбирларни “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириш 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман ҳокимлиги ҳисобчиси (А.Билолдинов) “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағларидан белгиланган тартиб асосида маблағ ажратиб, ҳисоботларини юритсин.

4. Мазкур йиғилиш қарори ижросини таъминлашни бош бухгалтер А.Билолдинов ва сектор котиблари зиммасига, назорат қилиш О.Расуловга юклатилсин.

Васийлик кенгаши котиби:



Р.Рустамов

Пахтаобод тумани "Ёшларни қўллаб
қувватлаш жамғармаси"
Васийлик Кенгаши йиғилиш баёнига
1- илова
"28" 04 2022 йил

Ёшларнинг истеъдодларини қўллаб-қувватлаш, беш та мухим
ташаббусни рўёбга чиқариш ва унинг доирасидаги тадбирларни
"Ёшлар дафтари" жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириш
тўғрисида

Р Ў Й Х А Т И

№	Тадбир номи	Совғалар номи	Сони	Суммаси	Ажратилган маблағлар суммаси
1	Беш ташаббус доирасида	Телевизор	8	1 450 000	11.600.000
2		Духофка	30	550 000	16 500 000
3		Микратўлқинли печ	20	730 000	14 600 000
4		Чанг юткич	15	1 486 000	22 300 000
		Спорт жихозлари "Топ"	25	160 000	4 000 000
		Спорт форма	25	200000	5 000 000
Жами					74 000 000

Васийлик кенгаши котиби:

Р.Рустамов